

**Аудитнинг Халқаро стандартларига (АХС- 700) мувофиқ мустақил ўтказилган аудит бўйича
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Бухоро вилояти Когон туман «Когондонмахсулотлари» акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбарларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тулик номи:	"Когондонмахсулотлари" акциядорлик жамияти
Юридик манзил:	Когон тумани А.Темура 4-уй
Ҳисоб рақами:	20210000000202273001. ОАТБ "Азробанк" Бухоро филиали
МФО:	00089
XXTUT:	19211
СТИР:	201108664
Тел:	(365)- 522-28-00.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкиоти аудитори (Аудитор маълака сертификати №05572, 29.11.2018 йил) Саидов Жамол Жумакулович "Когондонмахсулотлари" акциядорлик жамияти нинг 2019 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сибасати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти маъкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан шубу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитини **Аудитнинг Халқаро стандартларига** мувофиқ ўтказдик. Маъкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор, вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш максалида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланаётган ҳисоб сибасатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таъиниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фирм

Бизнинг фикримизча, "Когондонмахсулотлари" акциядорлик жамияти нинг 2019 йил 31 декабрда тутаган йил учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрланган.

(АХС- 700, 2-илова)

Хулоса ёзилган сана: 09.03.2020 йил

MChJ «PROMSTROY-AUDIT»
аудиторлик ташкиоти директори



Ж. Саидов **Ж. Саидов**